

Муфтий Усмонхон Алимов БААга жўнаб кетди



16:10 / 02.02.2019 2826

Бугун, 2 февраль куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов Муслмон донишмандлар кенгаши раиси, доктор Султон Румайсийнинг таклифига кўра Бирлашган Араб Амирлигининг Абу Даби шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро анжуманда иштирок этиш учун жўнаб кетдилар. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлар идораси Ахборот хизмати хабар берди.

Муслмон донишмандлар кенгаши 2014 йилда ташкил этилган бўлиб, дунёнинг атоқли уламоларидан тузилган ҳайъат фаолият юритади. Кенгашга ал-Азҳар шайхи Аҳмад Муҳаммад Тоййиб раҳбарлик қилади.

Кенгашнинг асосий мақсади Ислом оламидаги тарафкашликни бартараф этиш ва ҳамжиҳатликни таъминлашдан иборат. Шунингдек, Ислом оламида тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш, муслмон мамлакатлар

халқлари ўртасидаги бирдамликни таъминлаш, ички зиддиятларни йўқотиш, ўзаро мулоқот ва мўътадилликни қўллаб-қувватлаш ҳам Кенгашнинг мақсад-вазифалари сирасига киради.

Islom.uz портали таҳририяти